

**Асосий иқтисодий
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2013 йил январь–сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	100309,5	108,1
Саноат маҳсулоти	54401,3	108,4
Истеъмол товарлари	21621,2	111,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	28094,5	106,8
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	23831,2	110,7
Қурилиш ишлари	15034,6	118,9
Юк айланмаси, млрд.тн–км	63,5	102,7
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	72,5	105,5
Чакана товар айланмаси	41664,3	114,2
Пуллик хизматлар	16061,2	111,1
Хизматлар, жами	57197,2	114,7
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.*)	21277,5	100,6
Экспорт	11098,0	100,3
Импорт	10179,5	100,9

*Давлат божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда

Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш

2014 йил январь–сентябрь ҳолатига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 100309,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2013 йил январь–сентябрга нисбатан ўсиш суръати 8,1 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 82,9 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 17,1 фоизи – давлат секторига тўғри келди.


Январь–сентябрда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида



**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий тавсифи
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2014 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони – 272,5 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони – 245,2 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 90,0 фоизини ташкил қилди.

Тармоқлар кесимида рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 28,3 фоизи), саноат (17,3 фоизи), қурилиш (8,9 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (8,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2014 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	272,5	100,0	245,2	100,0
шу жумладан:				
саноат	47,1	17,3	42,4	17,3
қурилиш	24,3	8,9	21,1	8,6
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	22,6	8,3	20,0	8,2
транспорт ва алоқа	10,8	4,0	9,6	3,9
ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	22,0	8,1	19,2	7,8
савдо ва умумий овқатланиш	77,0	28,3	67,0	27,3
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	3,9	1,4	3,3	1,4
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	11,0	4,0	10,6	4,3
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	21,8	8,0	21,4	8,7

Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда

бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари


32,0 11,7 30,6 12,5

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 85,5 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шундан

33,6 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 50,1 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 октябрь ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2014 йилнинг январь–сентябрида жами 20,9 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 20,2 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 24,1 фоизи), Тошкент

(10,0 фоизи), Фарғона (8,7 фоизи) ва Самарқанд (7,5 фоизи) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 28,6 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 25,3 фоизи саноат ва 12,2 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 15,1 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 4,4 мингтаси ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2014 йилнинг январь–сентябрида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Кичик тадбиркорлик
(бизнес)**

2014 йилнинг январь–сентябрида ишлаб чиқарилган Ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)нинг 52,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига (51,2 фоиз) нисбатан 1,7 фоизга кўпдир. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 2014 йил январь–сентябрда 29,2 фоизни ташкил этди, 2013 йилнинг январь–сентябрида ушбу кўрсаткич 28,6 фоизга тенг бўлган.

2014 йилнинг январь–сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

9803,9 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодийда банд бўлганларнинг 76,5 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 7452,4 минг нафари индивидуал сектор, 2351,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 16929,0 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 31,1 фоизи) ёки 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 118,0 фоизни ташкил қилди;

7900,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 33,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 114,4 фоизни ташкил қилди;

10321,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 68,7 фоизи) бажарилди ва 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 112,5 фоизни ташкил қилди;

автомобил транспорти юк айланмасининг 9,2 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 81,7 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 87,7 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 45,4 фоизи ёки 18929,3 млрд. сўми (ўсиш 12,3 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг, мос равишда 47,0 фоизи ёки 7556,1 млрд. сўми (ўсиш 15,1 фоиз) шакллантирилди;

2668,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 24,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 4580,0 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 45,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.


2014 йилнинг январь–сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Саноат	16929,0	36,5
Қишлоқ хўжалиги	27625,6	100,0
Қурилиш	10321,7	69,4
Чакана савдо	18929,3	65,2
Пуллик хизматлар	7556,1	89,1
Юк ташиш, млн.тн	452,3	69,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	4425,6	93,5
Экспорт, млн. АҚШ долл.	2668,9	3,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	4580,0	15,8

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9020,5 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 92,0 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2014 йилнинг январь–сентябрида 224 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Энг кўп объектлар Тошкент вилоятида – 70 та, Наманган вилоятида – 29 та, Навоий вилоятида – 19 та, Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилоятида – 16 тадан объектлар хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади ва 142 та объектни ташкил этади.

2014 йилнинг январь–сентябрида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағлари 54,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 57,0 фоизи), Тошкент вилоятига (17,4 фоиз), Қорақалпоғистон Республикасига (4,9 фоиз), Бухоро (4,7 фоиз), Хоразм (3,7 фоиз) ва Самарқанд (2,5 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

2014 йилнинг январь–сентябрида ташқи савдо айланмаси 21277,5 млн. АҚШ долларини (2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 100,6 фоизни), жумладан 11098,0 млн. АҚШ долларини (100,3 фоизни) – экспорт операциялари, 10179,5 млн. АҚШ долларини (100,9 фоизни) – импорт операциялари ташкил этди.


Ижобий ташқи савдо қолдиғи 918,5 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 1915,7 млн. АҚШ долларини, бошқа давлатлар билан минус 997,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2014 йилнинг январь–сентябрида республика ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	21277,5	100,0
МДҲ мамлакатлари	9784,9	46,0
бошқа давлатлар	11492,6	54,0
Экспорт	11098,0	100,0
МДҲ мамлакатлари	5850,3	52,7
бошқа давлатлар	5247,7	47,3
Импорт	10179,5	100,0
МДҲ мамлакатлари	3934,6	38,7
бошқа давлатлар	6244,9	61,3
Қолдиқ	918,5	х
МДҲ мамлакатлари	1915,7	х
бошқа давлатлар	-997,2	х

2013–2014 йиллар январь–сентябрида республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




2014 йилнинг январь–сентябрида республика экспорт–импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	таркиби, фоиз ҳисобида
Экспорт	100,0
пахта толаси	5,5
озиқ–овқат маҳсулотлари	10,6
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	4,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	31,9
қора ва рангли металллар	6,7
машина ва ускуналар	4,2
хизматлар	20,2
бошқалар	16,6
Импорт	100,0
озиқ–овқат маҳсулотлари	10,9

	таркиби, фоиз ҳисобида
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	16,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	5,4
қора ва рангли металллар	7,8
машина ва ускуналар	40,0
хизматлар	7,4
бошқалар	12,2

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2014 йилнинг январь–сентябрида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	млн. АҚШ доллари	2013й. январь– сентябрига нисбатан фоиз ҳисоби– да	Республика товар айлан– масида улу– ши, фоиз ҳисоби– да
Россия	4559,2	88,7	21,4
Хитой	3807,8	106,9	17,9
Қозоғистон	3060,9	125,7	14,4
Корея Республикаси	1488,1	90,1	7,0
Туркия	1077,8	109,9	5,1
Украина	500,2	70,0	2,4


	млн. АҚШ доллари	2013й. январь– сентябрьга нисбатан фоиз ҳисоби– да	Республика товар айлан– масида улу– ши, фоиз ҳисоби– да
Германия	490,5	115,4	2,3
Афғонистон	423,3	87,2	2,0
Туркманистон	268,3	98,9	1,3
Эрон	256,7	135,0	1,2
АҚШ	230,1	69,0	1,1
Франция	220,6	87,9	1,0
Ҳиндистон	207,9	109,2	1,0
Қирғизистон	190,2	120,5	0,9
Бразилия	176,3	88,5	0,8
Латвия	173,2	106,4	0,8
Беларусь	139,8	93,3	0,7
Италия	135,6	122,4	0,6
Япония	134,5	80,1	0,6
Тожикистон	121,4	103,1	0,6
Польша	115,5	90,6	0,5
Швейцария	92,4	80,6	0,4
Буюк Британия	89,6	114,0	0,4
Нидерландия	82,0	148,6	0,4
БАА	70,1	82,6	0,3
Австрия	69,1	137,6	0,3
Бангладеш	67,2	78,9	0,3
Чехия Республикаси	63,9	82,1	0,3
Бельгия	61,0	94,7	0,3

	млн. АҚШ доллари	2013й. январь– сентябрига нисбатан фоиз ҳисоби– да	Республика товар айлан– масида улу– ши, фоиз ҳисоби– да
Литва	58,7	108,5	0,3
Аргентина	41,6	2,7 р.	0,2


2014 йилнинг январь–сентябрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт

МДХ




Бошқа давлатлар




Импорт

МДХ



Бошқа давлатлар



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимёвий ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар
- Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

Саноатда юқори технологик ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида республика саноатининг барқарор ўсишига эришилди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 54401,3 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 108,4 фоизни ташкил этди. Саноатда меҳнат унумдорлигининг 2013 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 6,6 фоизга ошиши саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ўз таъсирини кўрсатди.

Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кичик бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 3,2 фоизга ошиб, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 31,1 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 27,9 фоиз) ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 1992,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида истеъмол молларини ишлаб чиқариш жорий йилнинг январь-сентябрида 21621,2 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,3 фоизни ташкил қилди. Жумладан, 8644,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат моллари (107,9 фоиз), 12976,7 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (113,6 фоиз) ишлаб чиқарилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 36,5 фоизга (2013 йил январь-сентябрда – 33,4 фоиз) етди.


2014 йилнинг январь-сентябрида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2013 й. январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	54401,3	108,4
шу жумладан:		
электроэнергетика	3905,0	101,5
ёқилғи саноати	7174,1	96,7
қора металлургия	1326,9	113,4
рангли металлургия	4838,8	102,6
кимё ва нефт-кимё саноати	2867,0	106,7

	млрд. сўм	2013 й. январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	11203,9	114,2
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	869,6	110,5
қурилиш материаллари саноати	3484,7	113,0
енгил саноат	7154,5	115,9
озиқ–овқат саноати	8528,7	109,7

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




Қишлоқ хўжалиги

Жорий йилнинг январь–сентябрида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 28094,5 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни ташкил қилди, жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 16389,7 млрд. сўмни (106,7 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 11704,8 млрд. сўмни (107,0 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Жорий йилнинг январь–сентябрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 58,3 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 1862,1 минг тонна (2013 йилнинг январь–сентябрь ойларига нисбатан 11,0 фоизга кўп) картошка қазиб олинди, 6712,6 минг тонна (11,4 фоизга кўп) сабзавот, 1214,7 минг тонна (9,3 фоизга кўп) полиз экинлари, 1712,1 минг тонна (11,5 фоизга кўп) мева ва резаворлар ҳамда 991,6 минг тонна (9,3 фоизга кўп) узум йиғиб олинди.

2014 йил январь–сентябрь ҳолатига асосий мева ва сабзаёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Картошка	1862,1	111,0
Сабзаётлар	6712,6	111,4
Полиз экинлари	1214,7	109,3
Мевалар	1712,1	111,5
Узум	991,6	109,3

Чорвачилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 41,7 фоизни ташкил этди.

2014 йил 1 октябрь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 429,9 минг бошга (4,1 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 57,8 минг бошга (1,4 фоизга), қўй ва эчкилар сони 680,3 минг бошга (3,9 фоизга), паррандалар сони 3843,6 минг бошга (7,6 фоизга) кўпайди.

2014 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар сони қуйидагича ифодаланади:

	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамол	10877,4	104,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	536,0	102,0
деҳқон хўжаликлари	10227,2	104,2
қишлоқ хўжалик корхоналари	114,2	109,6

	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
шу жумладан сигирлар	4141,8	101,4
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	185,6	101,4
деҳқон хўжаликлари	3922,4	101,4
қишлоқ хўжалик корхоналари	33,8	104,6
Қўй ва эчкилар	18214,9	103,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1334,9	103,4
деҳқон хўжаликлари	15165,5	104,8
қишлоқ хўжалик корхоналари	1714,5	96,5
Отлар	210,0	103,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	19,9	101,0
деҳқон хўжаликлари	177,3	103,5
қишлоқ хўжалик корхоналари	12,8	99,6
Паррандалар	54603,4	107,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	6672,4	106,4
деҳқон хўжаликлари	34345,8	108,3
қишлоқ хўжалик корхоналари	13585,2	106,5

Деҳқон хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,0 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,9 фоизни, шу жумладан сизирлар мос равишда – 94,7 ва 4,5 фоизни, қўй ва эчкилар – 83,3 ва 7,3 фоизни, отлар – 84,4 ва 9,5 фоизни, паррандалар – 62,9 ва 12,2 фоизни ташкил этди.

2014 йил январь–сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда 1384,5 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 6,8 фоизга кўп), 6030,3 минг тонна сут (7,0 фоизга кўп), 3748,9 млн. дона тухум (12,3 фоизга кўп), 27,1 минг тонна жун (6,7 фоизга кўп) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2014 йил январь–сентябрида қуйидагича ифодаланади:

	2014й. январь– сентябрь	2013 йил январь–сентябрига нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1384,5	106,8
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	34,5	108,1
деҳқон хўжаликлари	1313,7	106,7
қишлоқ хўжалик корхонала– ри	36,3	105,8
Сут, минг тн.	6030,3	107,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	201,1	108,1
деҳқон хўжаликлари	5785,6	106,8
қишлоқ хўжалик корхонала– ри	43,6	119,2

	2014й. январь– сентябрь	2013 йил январь–сентябрига нисбатан фоизда
Тухум, млн. дона	3748,9	112,3
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	349,8	109,2
деҳқон хўжаликлари	2090,3	115,7
қишлоқ хўжалик корхонала– ри	1308,8	108,0
Жун, тн.	27068	106,7
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1915	105,4
деҳқон хўжаликлари	23223	107,2
қишлоқ хўжалик корхоналари	1930	102,8
Қоракўл тери, минг дона	979,1	100,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	49,8	104,6
деҳқон хўжаликлари	752,9	104,0
қишлоқ хўжалик корхонала– ри	176,4	85,6

Чорвачилик маҳсулотларини (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришдаги ўсиш барча вилоятлар бўйича асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига амалга ошди. Деҳқон хўжаликларининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,9 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 96,0 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 55,8 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2014 йилнинг январь–сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 8600,4 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг тегишли даврига нисбатан 103,7 фоизни ташкил қилди.

2014 йил 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар бош сони 10,4 минг бошга (2,0 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 2,5 минг бошга (1,4 фоизга), қўй ва эчкилар сони 43,4 минг бошга (3,4 фоизга), паррандалар сони 399,0 минг бошга (6,4 фоизга) кўпайди.

2014 йил январь–сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Картошка	375,8	20,2	111,3
Сабзавотлар	1918,0	28,6	108,4
Полиз экинлари	557,5	45,9	108,6
Мевалар	715,9	41,8	110,5
Узум	473,8	47,8	108,3
Гышт (тирик вазнда)	34,5	2,5	108,1
Сут	201,1	3,3	108,1
Тухум, млн. дона	349,8	9,3	109,2
Жун, тонна	1915,0	7,1	105,4
Қоракўл, минг дона	49,8	5,1	104,6

Инвестициялар ва қурилиш

2014 йилнинг январь–сентябрида республикада асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг АҚШ долларидаги эквиваленти 10,4 миллиард АҚШ долларини ёки 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 112,3 фоизни ташкил қилди.

2014 йилнинг январь–сентябрида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 23831,2 млрд. сўмга тенг бўлди ёки 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 110,7 фоизга ўсди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати 23,8 фоизни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,5 фоизга ўсди.

2014 йилнинг январь–сентябрида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	Жами	<u>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</u>	
		<u>шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:</u>	
		давлат	нодавлат
Жами инвестициялар, млрд.сўм	23831,2	5253,7	18577,5
шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
давлат бюджети маблағлари	5,2	21,2	0,6
суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	0,3	1,6	–
корхоналар ва аҳоли маблағлари	51,7	27,2	58,6
чет эл инвестициялари ва кредитлари	19,9	13,1	21,8
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	11,0	1,6	13,7

	Жами	шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	11,9	35,3	5,3

2014 йилнинг январь–сентябрида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоизда
Жами	23831,2	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	14970,3	62,8
саноат	8286,8	34,8
шу жумладан:		
ёқилғи–энергетика саноати	5171,7	21,7
металлургия	635,4	2,7
кимё ва нефт–кимё саноати	343,0	1,4
машинасозлик	560,2	2,4
енгил саноат	404,1	1,7
озиқ–овқат саноати	456,8	1,9
қурилиш материаллари саноати	360,1	1,5
қишлоқ хўжалиги	960,7	4,0
қурилиш	448,7	1,9
транспорт ва алоқа	3163,5	13,3
савдо ва овқатланиш	1110,8	4,6
	575,3	2,4
геология ва ер ости бойликларини		

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоизда
излаш		
бошқалар	424,5	1,8
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	8860,9	37,2
уй-жой қурилиш	5549,2	23,3
коммунал хўжалик	665,0	2,8
соғлиқни сақлаш	785,2	3,3
таълим	751,7	3,1
маданият ва санъат	181,1	0,8
бошқалар	928,7	3,9


Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестицияси ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда

2013й.
январь– сентябрь



2014й.
январь– сентябрь



- Ёқилғи– энергетика
- Машинасозлик
- Енгил саноат
- Озиқ– овқат саноати
- Қишлоқ хўжалиги
- Транспорт ва алоқа
- Геология ва ер ости бойликларини қидириш
- Коммунал хўжалик
- Бошқа тармоқлар

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 5549,2 млрд. сўми уй–жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди ёки умумий ҳажмга нисбатан 62,6 фоизни ташкил этди.

2014 йилнинг январь–сентябрида умумий майдони 9220,1 минг кв.м. (2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 110,1 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 7051,7 минг кв.м. (111,1 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Касалхоналар, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини янги қуришда ва капитал қайта таъмирлашда 297,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 37,9 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 165,2 млрд. сўмлик инвестициялар, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва қайта таъмирлашда 192,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг мос равишда 22,0 фоизини ва 25,6 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 352,3 млрд. сўм, шундан чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобидан 182,1 млрд. сўм


(51,7 фоизи), бюджет маблағлари ҳисобидан 137,6 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 39,1 фоизи), аҳоли, корхона ва молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобидан 32,6 млрд. сўм (9,2 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди; газ тармоқлари қурилишига 10,1 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, бу маблағнинг 8,5 млрд. сўми (84,3 фоизи) аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келади.

Қурилиш фаолияти. 2014 йилнинг январь–сентябрида 15034,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 118,9 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,3 фоизи корхоналарни янги қурилиши, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 17,2 фоизи капитал ва жорий таъмирлашга, 1,5 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2014 йилнинг январь–сентябрида барча транспорт турлари томонидан 1099,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2013 йилнинг


январь–сентябрига нисбатан 104,9 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 63,5 млрд.тн–км.ни ёки 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 102,7 фоизни ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2014 йил январь–сентябрь	2013 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн.	1099,7	104,9
темир йўл транспортида	49,1	103,3
автомобил транспортида	1002,6	105,2
ҳаво транспортида, минг тн	17,6	109,3
қувур йўллари орқали	48,0	99,8
Юк айланмаси, млн. тн–км	63533,3	102,7
темир йўл транспортида	17330,4	100,1
автомобил транспортида	22295,3	107,8
ҳаво транспортида	90,3	105,0
қувур йўллари орқали	23817,3	100,0

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



2014 йил январь–сентябрида асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	2013 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	49118,7	103,3
шу жумладан:		
тошкўмир	3328,9	85,9
нефт маҳсулотлари	7807,8	84,2
қора металллар	620,2	97,5
қора метал темир–терсаклари	505,4	99,3
кимёвий ва минерал ўғитлар	3115,1	97,1
қурилиш материаллари	5820,1	111,7
цемент	4000,4	103,2
ёғоч–тахта материаллари	84,3	99,6

	минг тонна	2013 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
дон ва янчилган дон маҳсулотла- ри	985,1	94,6

Автомобил транспортида 1002,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2013 йил январь–сентябрига нисбатан 5,2 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 22,3 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 7,8 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2013 йил январь–сентябрь даражасидан 7,5 фоизга кўпайди ва 16,6 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 74,4 фоизни (2013 йил январь–сентябрда 74,7 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 17,6 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, 2013 йил январь–сентябрига нисбатан 9,3 фоизга кўпайди, юк айланмаси эса 5,0 фоизга ўсди ва 90,3 млн.тн–км.ни ташкил қилди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси ўтган йилнинг шу давридаги каби 23,8 млрд. тн–км.ни ташкил қилди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 5281,5 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йил январь–сентябрига нисбатан 4,8 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 5,5 фоизга кўпайиб, 72,5 млрд. йўловчи–км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2014 йил январь–сентябрь	2013 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	5281,5	104,8
темир йўл транспортида	14,5	109,9
автомобил транспортида	5213,0	104,9
ҳаво транспортида	1,8	94,7

	2014 йил январь–сентябрь	2013 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
шаҳар электр транспор- тида	52,2	94,5
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	72486,7	105,5
темир йўл транспортида	2826,2	102,0
автомобил транспортида	63980,4	106,6
ҳаво транспортида	5326,1	96,2
шаҳар электр транспор- тида	354,0	96,3

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,7 фоизни, йўловчи айланмасида эса 88,3 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 9,9 фоизга ошди ва 14,5 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси эса 2,0 фоизга ошди ва 2826,2 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1803,5 мингта йўловчи ташилди, бу кўрсаткич 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 5,3 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса 5326,1 млн. йўловчи–км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,8 фоизга пасайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан, мос равишда, 8,0 фоизга камайди.

Товарлар ва хизматлар бозори

2014 йилнинг январь–сентябрида чакана товар айланмаси 41664,3 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 114,2 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ–овқат маҳсулотларининг улуши 52,0 фоизни, ноозиқ–овқат маҳсулотлари улуши 48,0 фоизни ташкил

қилди (2013 йилнинг январь–сентябрида – мос равишда 51,9 ва 48,1 фоиз).

2014 йилнинг январь–сентябрида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2013 йилнинг январь– сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	41664,3	114,2
давлат мулки	69,3	87,8
нодавлат мулки	41595,0	114,2
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	29318,3	113,8

Савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси ҳажми 15762,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 12,8 фоизга ошган. Чакана товар айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 37,8 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 21,6 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қорамол сотиш ҳажми 15,5 фоизга ошди ва 17024,6 млрд. сўмга етди, унинг чакана товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 40,9 фоизни ташкил қилди.

Буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар товар айланмаси 8877,2 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2013 йил январь–сентябрига нисбатан 14,0 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида ушбу секторнинг улуши 21,3 фоизга тенг бўлди.

2014 йилнинг январь–сентябрида чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

млрд. сўм	2013 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

	млрд. сўм	2013 йил январь–сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	41664,3	114,2	100,0
савдо корхоналари	15762,5	112,8	37,8
бозорлар	25901,8	115,0	62,2
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирил- ган бозорлар	8877,2	114,0	21,3
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	17024,6	115,5	40,9

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 2014 йилнинг январь–сентябрида 16061,2 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2013 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 111,1 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 59,8 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 9600,7 млрд. сўмни ташкил қилди ва 8,3 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 15,4 фоизга ўсиб, 6460,5 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 40,2 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 84,5 фоизни ташкил қилди.

2014 йилнинг январь–сентябрида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	16061,2	100,0

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
давлат мулки	2493,5	15,5
нодавлат мулки	13567,7	84,5
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	6753,6	42,0

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 9,1 фоизни ёки 1454,3 млрд. сўмни ташкил қилди, уларнинг реал ҳажми 2013 йилнинг январь–сентябрга нисбатан 16,9 фоизга ошди.

Маиший хизматларнинг 87,3 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 1270,2 млрд. сўмни ташкил қилди ва 17,7 фоизга ошди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2014 йилнинг январь–сентябрида қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоизда	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	57197,2	114,7	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	3065,4	123,7	5,4
Компьютерли дастурлаш хизматлари	129,1	120,6	0,2
Молиявий хизматлар	4911,3	133,6	8,6
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	15804,3	107,2	27,6
Қурилиш хизматлари	2610,9	117,8	4,6
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	261,1	111,4	0,5
Қишлоқ хўжалик техникалари–	80,4	133,1	0,1

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоизда	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
ни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш			
Туризм–саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда)	252,2	116,9	0,4
Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	12553,2	116,6	21,9
Маиший хизматлар	2040,5	120,0	3,6
Таълим хизматлари	1508,9	110,2	2,6
Соғлиқни сақлаш хизматлари	604,4	114,6	1,1
Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлари	322,0	113,0	0,6
Бошқа хизматлар	13053,5	111,9	22,8

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар (133,6 фоиз), қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари (133,1 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (123,7 фоиз), компьютерли дастурлаш хизматлари (120,6 фоиз), маиший хизматлар (120,0 фоиз), қурилиш хизматлари (117,8 фоиз), туризм–саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда) (116,9 фоиз) ҳамда савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (116,6 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (логистика хизматларини қўшган ҳолда) (жами хизматларнинг 27,6 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (21,9 фоизи), молиявий хизматлар (8,6 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (5,4 фоизи) хизматлари ҳиссасига тўғри келди.

Нарх ва тарифлар

Январь–сентябрда
нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши
(наrx–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	ўртача ойлик даражаси		сентябрь оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2013й.	2014й.	2013й.	2014й.
Истеъмол нархлари индекси	0,4	0,3	3,3	3,0
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	1,0	1,1	9,6	10,2
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	1,6	0,6	15,5	5,2

Январь–сентябрда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари (ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2013й.	2014й.
Жами	109,6	110,2
шу жумладан:		
электроэнергетика	117,2	112,1
ёқилғи саноати	109,3	117,1
қора металлургия	112,5	103,4
рангли металлургия	108,5	122,3
кимё ва нефт–кимё саноати	115,7	109,3
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	109,9	103,9
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	105,4	107,1

	2013й.	2014й.
қурилиш материаллари саноати	128,6	106,7
енгил саноат	102,4	100,6
озиқ-овқат саноати	103,3	109,4
ун-ёрма саноати	112,0	109,1

**Январь-сентябрда юридик шахслар учун алоқа хизматлари
тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2013й.	2014й.
Жами хизматлар	115,5	105,2
шу жумладан:		
почта алоқаси	101,1	124,6
шаҳар телефон алоқаси	100,0	100,0
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	100,0	100,0
уяли алоқа	151,9	107,2

Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг 1 октябрь ҳолатига республикада доимий аҳоли сони 30874,3 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 381,5 минг кишига ёки 1,3 фоизга кўпайди. Шундан, 15692,4 минг киши – шаҳар (умумий аҳоли сонининг 50,8 фоизи) ва 15181,9 минг киши – қишлоқ жойларида (49,2 фоизи) истиқомат қилади.

Январь–сентябрда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари қуйидагича ифодаланади:

	минг киши		ҳар 1000 кишига	
	2013 йил	2014 йил	2013 йил	2014 йил
Туғилганлар	480,7	517,6	21,3	22,6
Ўлганлар	103,4	106,3	4,6	4,6
шу жумладан бир ёшгача болалар ^{*)}	4,9	5,5	10,3	10,5
Никоҳлар, мингта	187,5	187,9	8,3	8,2
Ажралишлар, мингта	17,5	21,9	0,8	1,0

Туғилиш даражаси. 2014 йилнинг январь–сентябрида туғилганлар сони 517,6 мингтани ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига (480,7 минг киши) нисбатан 36,9 минг кишига кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 22,6 промиллени ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига (21,3 промилле) нисбатан 1,3 промиллега кўпайди.

Ўлим даражаси. 2014 йилнинг январь–сентябрида ўлганлар сони 106,3 мингтани ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига (103,4 минг киши) нисбатан 2,9 минг кишига кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил қилди ва 2013 йил январь–сентябрдаги ҳолат сақланиб қолди.

Ўлганлар умумий сонидан 63,1 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,3 фоизи – ўсма касалликларидан, 6,0 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 6,2 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг январь–сентябрида бир ёшга тўлмаган 5,5 мингта болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 10,5 промиллени ташкил қилди.

^{*)} Ҳар 1000 та туғилганга

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 51,8 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 27,5 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 9,3 фоизи – туғма аномалиялардан ва 4,4 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2014 йилнинг январь–сентябрида ФХДЁ органларида 187,9 мингта никоҳлар ва 21,9 мингта ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 8,2 та (2013 йилнинг шу даврида – 8,3 та) никоҳ ва 1,0 та (2013 йилнинг шу даврида – 0,8 та) ажралишлар тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг январь–сентябрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 111,3 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 141,0 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 29,7 минг кишини (2013 йилнинг шу даврида – минус 25,9 минг киши) ташкил этди.

Бандлик. 2014 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 13494,0 минг кишини ёки умумий аҳоли сонининг 44,0 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 12810,9 минг кишини ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 фоизга ошди.

Бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси қишлоқ ва ўрмон хўжалигида (3,9 фоизга), транспорт ва алоқа соҳасида (3,7 фоизга), уй–жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турида (3,7 фоизга), савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тайёрлов соҳасида (3,6 фоизга), қурилишда (3,4 фоизга) кузатилди.

2014 йилнинг январь–сентябрида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,9 фоизни ташкил этди.

Нодавлат секторида жами бандлар улуши 81,2 фоизга етди, бу кўрсаткич 2013 йилнинг шу даврида 80,7 фоизни ташкил қилган.

Ишсизлик^{*)}. 2014 йил сентябрь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 4,7 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 60,9 фоизга (12,0 минг кишига) камайган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2014 йил январь–сентябрида 683,1 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,1 фоизга тенг бўлди.

^{*)} Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида